

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

510 Товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқ-
аро рўйхатдан ўтказишга алмаштириш қоидаларини
тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2889*

Ўзбекистон Республикаси «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштириш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош директор

А. ФАЙЗУЛЛАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 15 май,
19-сон

Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги
Бош директорининг 2017 йил 15 майдаги
19-сон буйруғига
ИЛОВА

**Товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқаро
рўйхатдан ўтказишга алмаштириш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид битимига доир Баённоманинг (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) 4-bis моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид бити-

мига доир Баённоманинг (Мадрид, 1989 йил 27 июнь) 4-bis моддасига мувофиқ, агар Ўзбекистон Республикасида миллий рўйхатдан ўтказилган товар белгиси халқаро рўйхатдан ўтказилган товар белгиси билан бир хил бўлса ва ушбу рўйхатдан ўтказилган товар белгилари битта шахс номига берилган бўлса, товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштириш мумкин. Бунда, миллий рўйхатдан ўтказилган товар белгисига доир ҳуқуқларга таъсир қилинмаслиги лозим.

2. Товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштириш куйидаги шартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади:

халқаро рўйхатдан ўтказиш натижасида юзага келадиган ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудига татбиқ этилса;

миллий рўйхатдан ўтказилган барча товарлар Ўзбекистон Республикасига нисбатан халқаро рўйхатдан ўтказишда ҳам санаб ўтилган бўлса;

товар белгисини халқаро рўйхатдан ўтказишнинг кучга кириш санаси товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказиш санасидан кейин бўлса.

2-боб. Аризани бериш ва уни кўриб чиқиш

3. Товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштириш тўғрисидаги ариза (бундан буён матнда ариза деб юритилади) мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) халқаро рўйхатдан ўтказиш эгасининг ишончномаси билан патент вакили томонидан тақдим этилади. Ариза патент вакили томонидан имзоланади.

4. Ариза битта товар белгисини рўйхатга ўтказишга оид бўлиши лозим.

5. Ариза ва ишончнома Агентликка бевосита тақдим этилади ёки почта орқали юборилади.

6. Ариза Агентликка келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

7. Ариза Агентлик томонидан мазкур Қоидаларнинг 2-бандида белгиланган талабларга мувофиқлиги юзасидан текшириб чиқилади.

8. Агар ариза мазкур Қоидаларнинг 2-бандида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса, Агентлик халқаро рўйхатдан ўтказиш эгасига мавжуд камчиликларни бартараф этиш тўғрисида патент вакили орқали сўров юборади.

9. Халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси сўров жўнатилган санадан эътиборан уч ой муддат ичида сўровдаги камчиликларни бартараф этиши лозим. Бунда аризани кўриб чиқиш муддатининг ўтиши камчиликлар бартараф этилганлиги ҳақидаги жавоб Агентликка келиб тушгунга қадар тўхтаиб турилади.

10. Сўровга мазкур Қоидаларнинг 9-бандида кўрсатилган муддат ичида жавоб тақдим этилмаган тақдирда, Агентлик томонидан патент вакили орқали халқаро рўйхатдан ўтказиш эгасига аризани қаноатлантиришни рад этиш асосларини кўрсатган ҳолда билдиришнома юборилади.

11. Халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси аризани қаноатлантиришни рад этиш устидан судга шикоят қилиши мумкин.

12. Аризани қаноатлантириш рад этилгандан кейин халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси Агентлик билдиришномасида назарда тутилган камчиликларни бартараф этган ҳолда такроран Ариза топшириши мумкин.

13. Ариза мазкур Қоидаларнинг 2-бандида белгиланган талабларга мувофиқ бўлса, товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштириш тўғрисидаги маълумотлар Товар белгилари давлат реестрига (бундан буён матнда Давлат реестри деб юритилади) киритилади.

14. Маълумотлар Давлат реестрига киритилган санадан эътиборан ўн кун ичида Агентлик Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Халқаро бюросига мазкур Қоидаларнинг 2-илоvasида келтирилган шаклда (инглиз тилида) товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштирилганлиги тўғрисида билдиришнома тайёрлайди.

15. Билдиришнома икки нусхада расмийлаштирилади. Биринчи нусха Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти Халқаро бюросига жўнатилади, иккинчи нусха эса миллий рўйхатдан ўтказишга оид ҳужжатларга қўшиб қўйилади.

16. Товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштириш тўғрисидаги маълумотлар Давлат реестрига киритилади ва Агентликнинг ўз расмий веб-сайтида ҳам жойлаштириладиган расмий ахборотномасида эълон қилинади ҳамда халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштирилганлиги тўғрисида хабардор қилинади.

17. Товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштирилиши миллий рўйхатдан ўтказилган товар белгисининг амал қилишини тугатилишига олиб келмайди.

Товар белгисини миллий рўйхатдан
ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга
алмаштириш қоидаларига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Интеллектуал мулк агентлиги
100000, Тошкент шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уй

_____ (Ф.И.Ш. ёки юридик шахсининг номи)

Манзил _____

Телефон _____

АРИЗА

Товар белгисини миллий рўйхатдан ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга алмаштиришингизни сўрайман.

1. Миллий рўйхатдан ўтказиш _____-сон

Халқаро рўйхатдан ўтказиш _____-сон

2. Миллий рўйхатдан ўтказиш товар ва хизматлари товар ва хизматларнинг халқаро классификациясининг _____ синфлари

Халқаро рўйхатдан ўтказиш товар ва хизматлари товар ва хизматларнинг халқаро классификациясининг _____ синфлари

3. Миллий рўйхатдан ўтказиш эгаси _____

Халқаро рўйхатдан ўтказиш эгаси _____

4. Миллий рўйхатдан ўтказиш товар белгиси _____

Халқаро рўйхатдан ўтказиш товар белгиси _____

5. Миллий рўйхатдан ўтказиш санаси _____

Халқаро рўйхатдан ўтказиш санаси _____

Патент вакили _____

_____ (Ф.И.Ш., имзо)

Сана _____

24 (784)-сон

— 163 —

510-модда

Товар белгисини миллий рўйхатдан
ўтказишни халқаро рўйхатдан ўтказишга
алмаштириш қоидаларига
2-ИЛОВА

**AGENCY ON INTELLECTUAL PROPERTY OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100000, Mustakillik avenue 59,
Tashkent web-site: www.ima.uz,
e-mail: info@ima.uz

Phone.: (871) 232-50-60, (871) 232-50-30
Fax: (871) 232-50-05

Date

The International Bureau of the World
Intellectual Property Organization

Reg. №

NOTIFICATION

about the replacement of a national registration
by an international registration

According to Article 4 bis of the Protocol Relating to the Madrid Agreement, Agency on Intellectual Property of the Republic of Uzbekistan replaces the national trademark registration by the international registration № _____

— regarding all classes of the Nice Classification according to the list of goods and / or services: _____

— regarding the following classes of the Nice Classification according to the list of goods and / or services:

Date of filing of a national application: _____

Number of a national application: _____

Date of registration of a national registration: _____

Number of a national registration: _____

Date of priority of the national registration: _____

Head of the Trademark Examination Department _____
(signature)

Head of the Administration Department _____
(signature)